



Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

**Мавзу: Коррупцияга қарши
курашишнинг ҳуқуқий
асослари**

Тошкент - 2024



Мундарижа:

- **Кириш.**
- **Коррупция тушунчаси, унинг шакллари ва сабаблари.**
- **Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик.**
- **Марказий банкда коррупцияга қарши курашишга доир ички ҳужжатлар.**
- **Коррупциявий ҳаракатлар учун жавобгарлик.**
- **Марказий банк ходимларининг меҳнат шартномасида белгиланган коррупцияга қарши курашиш юзасидан мажбуриятлар.**



“Коррупциянинг ҳар қандай кўринишига мурасасиз бўлиш кундалик ҳаёт тарзимизга айланиши шарт.

Бу иллатга қарши курашишга барча давлат органлари, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, умуман, ҳар бир фуқаро сафарбар этилиши зарур”.

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг
2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасидан*



Лотинча “**corruptio**” сўзидан олинган бўлиб, “**емирилиш**”, “**бузилиш**” деган маъноларни англатади.

Коррупция сўзининг ижтимоий кўриниши “хокимиятни бузиш, чиритиш орқали сотиб олиш” деган маънони беради.

Коррупция тушунчаси

Коррупция — шахнинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш.

Коррупциянинг бир нечта турлари мавжуд

Маиший коррупция

Асосан мансабдор шахслар ва давлат хизматчиларининг кундалик иш фаолиятида фуқаролар билан муносабатларида кенг тарқалган



Хусусий сектордаги коррупция

Хусусий сектор ҳамда ҳокимият вакилларининг тадбиркорлик субъектлари билан муносабатларида учрайди



Давлат органлардаги коррупция

Давлат бошқарув органлари, сиёсий ҳукмрон доиралар ҳамда одил судлов тизими фаолиятида учрайди






КОРРУПЦИЯНИНГ

3 сабаби


1. Иқтисодий — давлат хизматчиларининг паст ойлик маоши, уларнинг тадбиркор ва фуқаролар фаолиятига таъсир кўрсатишда юқори ваколоти.



2. Институционал — давлат идоралари ишидаги ёпиқлик, ҳисоботлар тизимидаги қўшиб ёзишлар, қонунчилик тизимида шаффофликнинг йўқлиги, давлатнинг кучсиз кадрлар сиёсати.



3. Ижтимоий-маданий — жамиятнинг интизомсизлиги, фуқароларнинг тартибсизлиги ва ахборотга эга эмаслиги, жамоатчилик пассивлиги.







Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари:



Халқаро шартномалар;



Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси;



Ўзбекистон Республикасининг қонунлари;



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари;



Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари;



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари;



Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари;



Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари.

Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги халқаро шартномалар.



Бирлашган Миллатлар
Ташкилотининг 2003 йил
31 октябрдаги “**Коррупцияга
қарши**” конвенцияси (Ўзбекистон
Республикаси 2008 йил 7 июлда
қўшилган)

Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш
ташкilotи доирасида 2003 йил
10 сентябрда қабул қилинган
коррупцияга қарши курашнинг
Истанбул режаси (Ўзбекистон
Республикаси 2010 йил март ойида
қўшилган)





1. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги ЎРҚ-419-сонли **“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”**ги қонуни;

2. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 11 сентябрдаги ЎРҚ-445-сонли **“Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”**ги қонуни;

3. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 8 январдаги ЎРҚ-457-сонли **“Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”**ги қонуни;

4. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги ЎРҚ-684-сонли **“Давлат харидлари тўғрисида”**ги қонуни;

5. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 12 апрелдаги ЎРҚ-474-сонли **“Жамоатчилик назорати тўғрисида”**ги қонуни;

6. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 10 майдаги ЎРҚ-537-сонли **“Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”**ги қонуни ва бошқалар.

Марказий банкда коррупцияга қарши курашишга доир ички ҳужжатлар:

1

- Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг коррупцияга қарши курашиш сиёсати;

2

- Ўзбекистон Республикаси Марказий банк тизимида манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва бошқариш тўғрисида низом;

3

- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тизимида контрагентларни ўрганишга оид йўриқнома;

4

- Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш услугиёти;

5

• Ўзбекистон Республикаси Марказий банк тизимида коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш услуги;

6

• Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тизимида ишга қабул қилинаётган номзодларни ҳамда юқори лавозимга тайинланаётган ходимларни ўрганиш тўғрисида йўриқнома;

7

• Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тизимида алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-ҳаракатлар ҳамда манфаатлар тўқнашуви тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш регламенти;

8

• Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тизимида коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботни шакллантириш ва тақдим этиш тўғрисидаги низом.

9

- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тизимидаги ходимларнинг этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитилишини ташкил қилиш тўғрисидаги Йўриқнома;

10

- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тизимида ходимларнинг коррупциявий хатти-ҳаракатлари, одоб-ахлоқ ва ички меҳнат тартиби қоидаларини бузиш ҳолатлари устидан хизмат текширувларини ўтказиш бўйича Регламент;

11

- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тизимида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар берган ходимларни рағбатлантириш ҳамда уларнинг таъқиб қилинмаслиги кафолатлари тўғрисида тартиб.

Коррупциявий ҳаракатлар учун жавобгарлик:

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш туғрисида”ги Қонунининг 27-моддаси

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этганлик қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар суднинг қарорига кўра муайян ҳуқуқлардан, шу жумладан муайян лавозимларни эгаллаш ҳуқуқидан қонунга мувофиқ маҳрум этилиши мумкин.

Юридик шахслар коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Коррупциявий ҳаракатлар учун жавобгарлик:

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси

- Давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш 193-1-модда (БХМнинг 30 бараваригача миқдорда жарима);

- Давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкий манфаатдор бўлиши 193-2-модда (БХМнинг 30 бараваригача миқдорда жарима).

Коррупциявий ҳаракатлар учун жавобгарлик:

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси

Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш 205-модда, ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш 206-модда ва мансаб сохтакорлиги 209-модда (БҲМнинг 600 бараваригача жарима ёки 5 йилгача озодликдан маҳрум этиш);

Ҳокимият ҳаракатсизлиги 208-модда (уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш);

Пора олиш 210-модда, пора бериш 211-модда ва пора олиш-беришда воситачилик қилиш 212-модда (БҲМнинг 100 бараваригача жарима ёки 15 йилгача озодликдан маҳрум қилиш);

Давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкий манфаатдор бўлиши 213-214-моддалари (БҲМнинг 100 баравари миқдорида жарима ёки 8 йил муддатга ОМҚ)

Марказий банк ходимларининг меҳнат шартномасида белгиланган коррупцияга қарши курашиш юзасидан мажбуриятлари.

Лавозим мажбуриятларини суистеъмол қилмаслик, Марказий банкнинг ички меъёрий ҳужжатлари, шу жумладан коррупцияга қарши курашиш қоидаларига риоя қилиш ҳамда бирор-бир шахслар ёки ходимлар томонидан содир этилган коррупциявий ҳуқуқбузарликларнинг ўзларига маълум бўлган ҳолатлари ҳақида ўз раҳбарини ҳамда Марказий банкнинг коррупцияга қарши курашишга масъул бўлган таркибий бўлинмасини зудлик билан хабардор қилиш ходимнинг мажбуриятларидан бири ҳисобланади.



ЭЪТИБОРЛАРИНГИЗ УЧУН РАҲМАТ !